БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
5 июль
Пайшанба
№ 125 (13.561).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 4 июль куни эрталабки мажлисда РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков раислик қилди.

Съездда муҳокама этилаётган масалалар юзасидан музокаралар бошланди. Съезд қатнашчилари ҳузурида Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Ставрополь ўлкасидаги «Карачаево-Черкесскстрой» трестининг монтажчилар бригадири А. И. Скориков, Пенза вилояти Земетчино районидаги «Кириллловский» совхозининг директори А. А. Порутчиков, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, Ростов вилоятидаги «Ростсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ю. А. Песков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Вологда вилоятидаги СССР 50 йиллиги номли Череповецк металлургия комбинатининг слесарлар бригадири Ю. В. Архипов, КПСС Ленинград вилоят комитетининг биринчи котиби Б. В. Гидаспов, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. Г. Гумбаридзе, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Е. Е. Соколов, СССР мудофаа саноати министри Б. М. Белоусов, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоев, Тожикистон ССРдаги Душанбе таксомотор корхонасининг ҳайдовчиси О. Азимов, КПСС Шимолий Осетия вилоят комитетининг биринчи котиби, Шимолий Осетия АССР Олий Советининг Раиси А. Х. Галазов, Москва область КПСС Калининград шаҳар комитетининг биринчи котиби В. И. Перов, Липецк вилоятидаги Ю. В. Андропов номли Новолепецк металлургия комбинати партия комитетининг котиби А. И. Тепленичев, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. И. Шляга сўзга чиқдилар.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИНИ КЎРА БИЛМОҚ КЕРАК!

МОСКВА, ЎзТАГ махсус мухбири А. БАРАНОВдан:

Партия съездининг бошланиши у туфайли жўш урган ҳаяжонларни совутмади, сиёсий вазиятдаги кескинликни юмшатмади. Фақат Кремль Съездлар саройининг мажлислар залида, кичик заллари ва коридорларидагина эмас, баъзан тўғридан-тўғри кўчаларда, майдонларда Москва хиёбонларида ҳам қизғин баҳс—мунозаралар бўлмоқда.

Мамлакат коммунистларининг бу галги анжуманига, муболағасиз айтиш мумкинки, барча қизиқмоқда. У қабул қилиши лозим бўлган қарорларнинг тақдирга дахлдор ҳужжатлар бўлишига партия аъзоларида ҳам, унинг тарафдорларида ҳам, партиямизга, табиийки, яхшиликни раво кўрмайдиган ўта сўллардан тортиб фашистнамо ҳамжамиятларгача бўлган турли-туман расмий ва норасмий ташкилотларда ҳам шак-шубҳа йўқ. Мана бугун ҳам Москва кўчаларига ёпиштирилган эълонларда барча «озод гражданлар» кечқурун маданият боғида бўладиган рухсат берилган митингга таклиф этилган...

Буларнинг ҳаммаси — турмушимизнинг янги нишоналари, қайта қуриш сабабли юз берган чуқур демократик ўзгаришлардан ижтимоий кучларнинг қатъий сиёсийлашганидан далолатдир, бу — коммунистларнинг бу галги анжумани иши бошланган реал мавжуд ҳамда турфа вазиятдир. Съезднинг биринчи куни тўғрисида эшитишимизга тўғри келган баҳолар ҳам хилма-хилдир.

— Партия бошлаган қайта қуришнинг беш йили ўтди, — деди биз билан суҳбатда Избоскан ноҳиясидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг раиси Мамашокир Комилов. — Лекин рўй-рост айтиш керакки, қишлоқ меҳнаткашлари, пахтакорлар турмушини у деярли ўзгартирмади. Бунинг сабаби нимада? Бу саволга аниқ жавобни мен афсуски, съездда қилинган сиёсий докладдан ҳам, Сиёсий бюро аъзолари берган ҳисоботлардан ҳам топмадим. Партиямиз раҳбарлари ҳозир жойларда вужудга келган вазиятни унчалик яхши англаб етмаяптилар, деган тасаввур ҳосил бўлмоқда. Вазият эса шундайки, ҳар қандай гапни очиқчасига, дангал айтмасликнинг иложи йўқ. Биз Андижон вилоятида бу вазиятнинг ўткирлигини ҳар куни ҳис этиб турибмиз.

Қайта қуришнинг вазифаси одамларнинг, ҳар бир оиланинг турмушини яхшилашдан иборатдир. Одамларнинг шахсий ер участкасига бўлган барча эҳтиёжларини қондириш учун бизда бўш ер йўқ. Аҳолининг иш билан бандлиги муаммолари жуда ташвишга солмоқда, энди бунинг устига миллатлараро кескинлик пайдо бўлди... Пахтакорларнинг меҳнат шароитлари ва иш ҳақлари меҳнат сарфига мос эмас, ҳамон уларни давлат буюртмаси бўғиб келмоқда... Албатта, биз партия хўжалик юритиш масалаларини биз учун ҳал этиши, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиши лозим, деб ҳисобламаймиз. Лекин партия одамларда эртанги кунга ишонч бўлишини таъминлаши, жамиятда яхши кайфиятни вужудга келтириши керак. Биз шуни кўтаяпмиз ва съезд ҳар биримизда ана шундай ишонч ва кайфият уйғотишини жуда истаймиз.

Аграрчи, ота-боболари ҳам деҳқон ўтган жамоа хўжалиги раисининг съезд ишининг биринчи куни якунлари тўғрисидаги фикрига партия ходими — Хоразм вилояти коммунистлар ташкилотининг раҳбари Римажон Худойберганова ҳам қўшилди:

— Сиёсий докладнинг мазмунидан, Сиёсий бюро аъзоларининг съездга берган ҳисоботи характеридан тўла қониқдим, деб айтолмайман. Албатта, бу улар учун янги иш. Мен КПСС XXVII съезди ишида, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида қатнашишимга тўғри келган — ўшанда худди илгаригидек бунга ўхшаш ҳеч нарса бўлмаганди. Айни шундай тажрибанинг йўқлиги бунга сабаб бўлди, чоғи: ҳисоботларда кўпроқ назарий қоидалар берилди, айни пайтда ҳозирги турмушимиз учун жуда долзарб бўлган амалий масалалар, ҳисоб берувчиларнинг конкрет роли четда қолиб кетди... Залнинг ўзидаёқ делегатлардан бу хусусда масалан, Рижков ҳамда Медведев номига ёзма равишдаги саволлар туша бошлагани бежиз эмас.

Бутун ҳокимиятни Советларга, хўжалик раҳбарларига бериш тўғрисидаги шиорни мутлақо тўғри ва ўз вақтидаги тадбир деб ҳисоблайман. Лекин ишончим комилки, партия кундалик амалий муаммоларни, ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишдан четлашмаслиги керак. Мана, Орол ва Оролбўйини қутқариш, бу ердаги экологик, санитария ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни соғломлаштириш билан боғлиқ машҳур қарорларнинг қандай бажарилаётганини олайлик... Ҳозир бу қарорлар ёмон бажарилмоқда, агар шу қарорлар юзасидан бирор бир иш қилинаётган бўлса, бу ҳам вилоятимиз ва Қорақалпоғистон АССР партия ташкилотларининг, жумҳурият партия ташкилотининг қатъияти, амалий иштироки туфайлидир. Партия ўзининг жамиятдаги йўналтирувчи, жипслаштирувчи ролини, халқ фаровонлиги билан боғлиқ вазифаларнинг ҳал этилишига ўз реал таъсирини сусайтира олмайди ва бунга йўл қўймаслиги лозим.

Шу сонга хабар

Абитуриентлар диққатига!

Бу йил Москва шаҳрида, қабул имтиҳонлари даврида жумҳуриятдан келган абитуриентлар илмий-оммабоп ёрдам олиш имкониятига эга бўлишади. Истеъдодли ёшларни излаш ва уларни қўллаш бўйича «Ниҳол» жумҳурият илмий маркази бу хайрли ишни ўз зиммасига олди. «Ниҳол»нинг Москвадаги аъзоси абитуриентларга қуйидаги олий ўқув юртлари ҳақида батафсил маълумот бериши мумкин. Москва Давлат техника дорилфунуни (МГТУ), Москва физика-техника институти, (МФТИ) ва Москва Давлат дорилфунуни (МГУ) каби олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалари бўлажак талабаларга бепул берилади.

Илмий марказ Москва шаҳри «Большой Полянка» кўчаси 19-уй Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг СССР Вазирлар Кенгаши қошидаги доимий ваколлиги биносида жойлашган. «Ниҳол»нинг Москва шаҳридаги аъзоси Равшанбек Алимов, телефон 230-13-02. Энг яқин метро бекати — «Полянка».

М. МАВЛОНОВ.

Зафарнинг жасорати

Фарғона шаҳридаги 28-мактаб ўқувчиси Зафар Азизқулов қаҳрамонлик кўрсатди. У сувда чўкиб кетаётган болани қутқариб қолди.

Зафарнинг ўзига қўйиб берса, буни қаҳрамонлик демоқчи эмас. «Мендан бошқалар бўлганда ҳам шундай йўл тутган бўларди. Ахир чўкиб кетаётган болани офатдан қутқариш керак-да».

Муҳими, у ўзини йўқотиб қўймади. Дадил ҳаракат қилди. Албатта, бунда оилада, мактабда берилган тарбия қўл келди.

Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти Президентининг фармонига кўра, Фарғона шаҳридаги 28-мактаб ўқувчиси Зафар Азизқулов сувга чўкаётган болани қутқаришда кўрсатган мардлиги, жасорати ва фидойилиги учун «Сувда ғарқ бўлаётганларни қутқарганлик учун» медали билан мукофотланди.

Қасамёд қилинди

4 июль куни «СССРда судьяларнинг мақоми тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқ, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг иккинчи сессиясида сайланган Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари ва Олий суд аъзолари қасамёд қилдилар.

Тантанали вазиятда ўтган ушбу маросимда Ўзбекистон ССР Олий Шўроси Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг раиси Э. Ҳ. Ҳалилов, ошкоралик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ж. Маматов, Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси М. М. Маликов, Ўзбекистон ССР адлия вазирининг ўринбосари М. Э Абдусаломов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси давлат-ҳуқуқ бўлими мудирининг ўринбосари С. М. Мирсафоев ва Ўзбекистон ССР Олий Шўроси секретариатининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қурбонлар бўлмади

СССРнинг Қувайтдаги элчиси Э. Н. Зверевдан Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлигига шундай хабар келди: «Биз телефон орқали Саудия Арабистонининг Жидда шаҳридаги зиёратчиларга хизмат қилиш маркази билан боғландик. «Ал-Муайссам» ер ости йўлида рўй берган фалокат чоғида СССР зиёратчилари орасида қурбонлар бўлмаганлигини марказ вакили айтди».

Оқ йўл, битирувчилар!

Пойтахтдаги Камолиддин Беҳзод номидаги 26-ҳунар-техника билим юрти жамоаси уч йил ардоқлаган, билим берган ўғил-қизларини катта мустақил ҳаётга кузатдилар.

Тантанага фирқа, совет органлари, маориф ходимлари, байналмилал-жангчилар ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари ташриф буюришди.

Кечада билим юрти директори Фурқат Мўминов ҳамда заргарлик заводи касаба уюшмаси раиси Бахтиёр Султоновлар сўзга чиқиб, ўқувчиларни билим юртини битириши муносабати билан табрикладилар ва уларга эсдалик сифатида заргарлик асбоблари тақдим этишди.

Бу йил билим юртини 167 ўқувчи тугатди. Шулардан 116 ўқувчи чинникорлик, 51 нафари эса заргарлик мутахассисликлари бўйича диплом олди. Улардан 12 ўқувчига билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлиги учун олий ўқув юртларига йўлланма берилди.

Фарҳод АЛИМОВ.

Шу сонга хабар

Кашшофлар ёзи





ЗАВҚЛИ КУНЛАР



Туя ўркачларига ўхшаш Андижон адирлари оралаб борсангиз кўм-кўк яшнаб турган ўрмон хўжалигига дуч келасиз. Алп йигитлардек қатор саф тортган дарахтлар, чиройли, саранжом-саришта гўшалар хаёлингизни ўғирлайди. Худди шу ерда Андижон ноҳиясига қарашли хўжаликлараро кашшофлар лагери жойлашган.

50 гектар майдонга жойлашган ўрмон хўжалигида жуда кўп нарсани кузатиш мумкин. Эртаклардагидек ўтлоқлар, бутазорлар, сув ҳавзалари, спорт майдончалари, ёғочлардан ишланган шакллар. Хуллас, бу ер ҳордиқ чиқарувчи болалар учун табиатнинг мўъжаз гўшаси.

Оромгоҳда бўлганимизда кашшофлар навбатдаги машғулотга тайёрланишаётган экан. Кимдир шеър ўқияпти. Бошқалари такрорлаяпти. Тарбиячилар ҳам, отряд етакчилари ҳам жон куйдиришяпти.

— «Сафарда юриб куйлаймиз» деб номланадиган сиёсий қўшиқлар баҳси бўлади, — таъкидлади кашшофларнинг етакчиси Раҳимжон Иминов. — Ҳар бир отряднинг ўз қўшиғи бор. Сафда юриш қўшиқ билан жозибали-да.

2-отряд етакчиси Ҳалима Сулаймонова кашшофларни ўрмон томон бошлади. У йўлда учраган ўт-ўланлар ҳақида ҳикоя қиларди. Болалар эса уларнинг ҳар биридан намуна олишга уринардилар. Сездик: қизил галстуклилар гербарий қилишмоқчи, кейин бу ҳақда тенгдошларига сўзлаб беришади.

Таъкидлаш лозим. Лагерда дастлабки кунлар табиат бағрига саёҳат билан бошланади. Болалар турфа ўсимликлар ҳақида тўлароқ, батафсилроқ тушунча оладилар.

— Ҳар сменада 200 нафар ўқувчини қабул қиламиз, — дейди лагерь бошлиғи Асқарали Қосимов. — Кичкинтойларнинг табиат қучоғида ўтаётган кунлари завқли, айни чоғда таассуротларга бой бўлиши учун бутун имкониятларни сарфлаяпмиз.

Оромгоҳ янги мавсумга пухта ҳозирланди. Турар-жойлар сифатли таъмирланди. Кўчма ўриндиқлар олиб келинди. Сув ҳавзаси қайта жиҳозланди. Аввалари кинофильм намойиш қилинса ёки турли хил кўриклар ташкил этилса очиқ майдонда ўтказиларди. Эндиликда эса янги клуб биноси қурилди. Болалар ҳар оқшом янги саҳна томон шошилишади. Рақс тушишади, турли хил кўнгилочар томошалар намойиш этадилар. Шу ўринда тўгараклар ҳақида. Оромгоҳда ўндан зиёд тўгарак бор. Бичиш-тикиш, дейсизми, сурат ҳаваскорлик, бадиий ҳаваскорлик... Ўқувчилар дам олиш билан биргаликда қобилиятларини ҳам шакллантириб борадилар.

— Уч йилдирки, «Дўстлик» лагерига келаман, — дейди 32-ўрта мактаб ўқувчиси Алишер Нуралиев. — Бу ернинг сўлимлиги, машғулотларнинг ранг-баранглиги жуда ёқади. Табиат қучоғида билимларимизни ҳам мустаҳкамлаймиз.

— Ўтган йили оромгоҳдан жуда катта таассуротлар билан қайтгандик, — сўзлайди 36-ўрта мактаб ўқувчиси Гулчеҳра Мақсудова. — Таътилга чиқар чоғимиз ўйланиб ўтирмадик. Ўзимиз билан дарсликлар ҳам олиб келдик. Янги ўқув йилига тайёрланаяпмиз.

Оромгоҳда қилинадиган ишлар кўп. Болалар учун ҳалинчаклар, аттракцион ўйинлар етишмайди. Аммо Соҳиба Ғафурова, Гулмира Аҳмедова, Ҳалима Сулаймонова, Раҳнамо Раҳмонова каби етакчи ва тарбиячилар таътил кунларини завқли ўтказиш учун жон куйдиряптилар.

Кашшофлар Андижон вилоятининг хушманзара жойларига, тарихий ёдгорликларига саёҳат уюштиришни мўлжаллашмоқда. Улар Боғишамол дам олиш манзилгоҳида бўладилар. Пахтаобод шаҳрига юриш қиладилар, оталиқ хўжалик экин майдонларига меҳнат десанти туширадилар. Хуллас, зерикишга имкон йўқ.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

* * *

Сиз кўриб турган суратларда «Дўстлик» кашшофлар лагеридаги ҳаяжонли дамлардан лаҳзалар акс этган.

— Эҳ, қандай манзара, суҳбатнинг ҳеч адоғи бўлмаса. Сиз кўриб турган суратдаги кашшофлар ана шундай дейишди.

— Дарахтларнинг қуюқ соясида китоб ўқишга нима етсин, — дейди отряд етакчиси Ҳалима Сулаймонова, — айниқса эртак сеҳри бола қалбини ром этади (3-сурат).

— Овқатимиз хўп мазалида», — таъкидлашди болалар (4-сурат).



А. МИРЗАЖОНОВ олган суратлар.

Фақат болалар учун

● ОЛМАЛИҚДАГИ кўп ихтисосли болалар касалхонаси ўз «турар жой» шароитларини яхшилади. Касалхона 200 ўринли янги комплексга кўчиб ўтди. Бу ерда энг янги ускуналар билан жиҳозланган реанимация бўлими, саломатликни тикловчи муолажа маркази очилган. Марказда ҳовуз, даволовчи бадан тарбия хонаси ва гимнастика зали бор. Касалхонанинг яқин атрофдаги қишлоқлар ва шаҳарларда яшовчи болаларга хизмат қиладиган диагностика маркази ҳам шифокорлар имкониятини кенгайтирди.

● ШИРИН шаҳри мактаблари ҳузуридаги болалар соғломлаштириш майдончалари 500 кичкинтойни, яъни ўтган йиллардагига нисбатан юз нафар кўп болани қабул қилди. Бунда мавсумга тайёргарлик кўришда фаол иштирок этган оталиқ ташкилотлар ёрдам берди. «СССР 50 йиллиги» номли Сирдарё регионал электр станциясининг ҳамда 67-моторсозлик отряди жамоалари лагерь учун ажратилган биноларни ўз кучлари билан таъмирладилар, қўшимча қурилмалар сотиб олиш учун маблағ ажратдилар.

● ПАХТАОБОД ноҳиясидаги «Гулистон» давлат хўжалигида ишга туширилган болалар боғчасига «Наврўз» номи берилди. Ўтган йил баҳорида бу ердаги жамоат бинолари ва уй-жойлар қаттиқ сел келиши оқибатида вайрон бўлган эди. «Андижаноблагропромстрой» бирлашмасига қарашли 105-Андижон жамоа хўжаликлариаро механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси табиий офат етказган зарарни тугатишда аҳолига ёрдамга келиб, азият чеккан оилаларнинг фарзандлари учун икки қаватли, 150 ўринли болалар боғчаси қуриб берди. Боғчада ўйин майдончалари, музика ва спорт заллари, ҳовуз бор.

(ЎзТАГ).

Шахсий фикр

Мустақиллик шарт

Гапнинг очиғи, аввало комсомол ходими эмаслигимга шукр қиламан. Лекин собиқ комсомол сифатида қачонлардир ўзим аъзо бўлган ташкилотнинг эртанги кунига бефарқ қараш, тўғриси ноқулай. Шу боисдан ҳам бу борада баҳоли қудрат ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман.

Ноҳия, шаҳар фирқа қўмитасида ҳеч бўлганмисиз? Улар жойлашган бинода комсомол (ноҳия, шаҳар) қўмитаси ҳам албатта мавжуд. Хўш, нима бўпти, дерсиз. Ҳамма гап шу «нима бўпти»да. Келинг, очиқроқ баён этай. Дейлик, фирқа қўмитасига бирор муносабат билан юқорироқ ташкилотдан ёки хориждан меҳмон келиши кутилаётган бўлса, у келгунча ва кетгунча барча югур-югур, ташкилий ишлар комсомолнинг (биринчи котибдан то оддий ходимгача) зиммасига юкланади. Асл мезбон — фирқа ходимлари эса, худди меҳмондек азиз-у мўътабар юрадилар. Энг алам қиладигани, шундай вақтда барча зарур ишини ташлаб «елпатак»ка айланган комсомол кўпинча раҳмат ўрнига дашном эшитади: у кам бўлди, фалон нарса амалга оширилмади ва ҳоказо.

Бундан, янглишмасам, бир йилча аввал редакция топшириғи билан Тошкент шаҳридаги ноҳияларнинг бирида комсомол қўмитаси котиби билан «Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мавзусида суҳбат ёзадиган бўлдим.

Икки маротаба бордим. Тўғриси, ноҳия ёшлари билан ишлайдиган ташкилот ходимларига жуда ачиндим. Битта кичкина хонада 3—4 киши ўтириб ишларди, оёқ босишга жой йўқ ҳисоби. Шароит шундай бўлгач, 13 нафар ходим қандай қилиб 40 та илмий муассаса, 3 та олий ўқув юрти, 6 та ўрта ҳунар-техника маскани, жами 198 та бошланғич комсомол ташкилоти мавжуд ноҳияни идора қилаётганига ҳеч тушуна олмадим. Шу ўринда тан олиш керакки, ноқулай шароит, номувофиқ кўникма мавжудлигидан жойлардаги комсомол қўмитаси раҳбар-у ходимларининг ўзлари асосий айбдордирлар. Сабаби, ҳақиқатни яширадилар. Йўқса, ўша суҳбат чоғида котибдан: «Иш шароитингизни яхшилашда, умуман 29 минг комсомол аъзоси бўлган ноҳияда мавжуд муаммоларни бартараф этишда ноҳия фирқа қўмитаси ёрдам бераяптими?» — деб сўрасам, у ҳам, хонадагилар ҳам бараварига:

«Ҳа, албатта, шахсан ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котибаси ўртоқ фалончиева бизнинг ишларга бош-қошдирлар» — дейишармиди?! Аммо қайси ишларда «бош-қош» эканлигини аниқ мисоллар билан айтиб бера олишмади.

Майли, ҳар ким экканини ўради, дейди халқимиз. Бугунги комсомол кечагисидан фарқ қилади: анча дадил ва талабчан. Бу нарса ВЛКСМ XXI съезди давомида ҳам яққол сезилиб турди.

Мен истардимки, келгусида энг аввало ноҳия, шаҳар, вилоят комсомол қўмиталари фирқа қўмиталари билан бир бинода жойлашмасалар — мустақил шароитда, мустақил тарзда иш кўрсалар. Саркотибларга фирқа саркотиблари билан, комсомол ходимларига фирқа ходимлари билан тенг даражадаги ҳуқуқ берилса. Токи, ҳар икки ташкилот ўзаро маслакдош бўлсин, бири ҳоким, бири тобе бўлиб қолмасин. Акс ҳолда «эски ҳаммом эски тос»лигича қолаверади.

Дилмурод САИДОВ.
Тошкент шаҳри.

Аҳлоқ мавзуида

Кинонинг акс таъсири

Яқинда Нурота шаҳридаги «Шодлик» кинотеатрига боргандик. У ерда «Кунларнинг бирида Америкада» бадиий фильми намойиш этилаётган экан. Унинг ярмида хотин-қиз томошабинлар зални тарк этишга мажбур бўлишди. Америка санъаткорлари яратган бу фильмни совет кино-мутасаддилари қанча пулга сотиб олгани бизга қоронғу, лекин қайси мақсадда намойиш этилаётгани таажжубланарли. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, таажжубингизга жавоб топгандек бўласиз. Яъни кино мутасаддилари кўпроқ пул тўплаш ва шу йўл билан ғазнани тўлдириш ҳамда ҳувиллаб қолаётган кинотеатрларга шинавандаларни жалб этишни ягона мақсад қилиб қўйишган. Уларни намойиш этилаётган фильмлар томошабинга қандай маънавий озуқа бераётгани асло қизиқтирмайди.

Бу билан улар ёшларга ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етказмаяптими! Бўлмағур, ҳеч қандай маънавий озуқа бермайдиган фильмни 60-70 сўм маош олаётган айрим чорвадор ёки механизаторнинг фарзанди 80-90 тийин тўлаб кўраяпти. Бундоқ ўйлаб ҳисоб-китоб қилсак, бир чорвадор оиланинг уч-тўрт фарзанди атиги икки соат давом этадиган фильмни кўриш учун 2,5-3 сўм тўлайди. Агарда бир ойда ўртача ана шундай фильмлардан тўрттаси намойиш этиладиган бўлса, бу бир оилага ўртача 15 сўмни кўкка совуриш демакдир.

Хўш, қаҳрамонлари ўғри, босқинчи, фоҳишалар бўлган беҳаё кинофильмларни намойиш этишдан нима мақсад кўзланаяпти! Бу ёшларимиз онгини заҳарлаш, улар ахлоқи ва одобини, тарбиясини бузишнинг ўзгинаси эмасми! Ва халқнинг пулини кўзбўямачилик йўли билан ўзлаштириш эмасми! Ахир халқимиз чуқур ўйланмасдан, тош-тарозида ўлчанмаган режалар дастидан озмунча азоб чекдими!

Балки, бузуқлик, фоҳишалик кўринишларини акс эттирган кадрлар сингдирилган кинофильмларни Оврўпа маданиятини «ўзида шакллантирган» айрим ўлкаларда намойиш этиш одат тусига киргандир. Лекин, чорвадорлик, ғаллакорлик, деҳқончилик касблари билан шуғулланиб, ўз ризқини яратаётган ноҳиямиз, қолверса пахтаси билан жаҳонга танилган ўзбек халқининг фарзандлари учун бу фильмлар мутлақо мақбул эмас, деб ўйлаймиз.


Чунки, ўзбек халқининг қадимий, асрлар оша шаклланган ўз маданияти, маънавияти, урф-одатлари мавжудки, уларда шарқона иффат, ҳаё, ибо ва одоб мужассамлашган. Минг афсуслар бўлсинким, Ғарб маданиятига кўр-кўрона эргашиш ва оқибатини ўйламай-нетмай уни тарғиб этиш туфайли халқимизнинг муқаддас саналган урф-удумлари йўқолиб кетиш ҳолатига келиб қолди.

Мактабларда ўқув машғулотларидан сўнг ҳар хил тўгараклар ташкил этилса, ҳар бир ота-она фарзандини дарсдан сўнг бирон-бир фойдали машғулот билан шуғулланишига имконият яратиб берса, бизнингча эҳтимол ёшлар ўз вақтларини тутуриқсиз фильмларни томоша қилишга сарфламасмиди!!

Б. МАҲМУДОВ,
А. ДЎСТМАТОВ.
Самарқанд вилояти.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ...





Худди шундай. Нима десангиз денгу, аммо Фарғона вилоятидаги Қувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган маҳсулотлар ўша машҳур Хитой чиннниларидан ҳам зўр.

Бирлашмада 17 хил миллий чинни буюмлар ишлаб чиқарилади. Эслаб қолинг: 17 хил. Ҳар сменада эса 100 минг донагача маҳсулот тайёрланади. Бу кичкина рақам эмас.

Сураткаш мухбиримиз Аъзамжон Мирзажон ушбу тасвирларни олаётганида неларни хаёлидан ўтказганлигини билмадиму, аммо каминангиз мазкур бирлашмада бўлиб, цехларни айланиб, бир-биридан чиройли чойнак-пиёла, идиш-товоқларни кўриб, ҳушимдан кетиб қолишимга оз қолганди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, худди шундай бўлган. Дастлаб, кўзларимга ишонмаганман. Айниқса, бирлашманинг кўргазма залида бўлганимда.

Бирлашма ходимларидан сўрайман:

— Бу идиш-товоқлар дўконларда ҳам сотиладими!

— Сотиш учун ишлаб чиқарамиз-да, — дейишди улар.

Тавба, жумҳуриятимизни неча бор айланиб чиқибман-у, лекин бирор-бир дўконда бирлашма маҳсулотларини учратмабман. Бу ерда бир сир борга ўхшайди...

Дарвоқе, бирлашмада жами 2 минг 800 киши ишлайди. Шундан 2 минг 200 киши ишлаб чиқариш билан банд. Уларнинг кўпчилиги қўли гул хотин-қизлар. Бирлашма йилига икки миллиондан зиёд соф даромад қилмоқда.

Ҳайдар АКБАР.





СУРАТЛАРДА: бирлашма наққошлари Мавжуда Отажонова ва Турсуной Аҳмедова; чиройли сервис; наққош Мўмина Маманабиева; наққошлик цехи.

ЭҲМ ҚИШЛОҚ МАКТАБЛАРИДА

ИЗБОСКАН ноҳиясидаги 26-мактаб информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўрганиш таянч пунктига айланган. Махсус жиҳозланган хонага «Правец-8А» компьютерлари, микрокалькуляторлар, кадаскоп, фильмоскоп ва бошқа аппаратлар ўрнатилган.

Ўқитувчилар бу синфда ишлаш учун Андижон вилоят марказида махсус тайёргарликдан ўтдилар. Ноҳиянинг яна тўртта мактабида информатика ва ҳисоблаш техникаси синфлари ташкил этилмоқда. Сентябрь ойида бу синфлар ҳисоблаш техникаси билан тўла жиҳозланади.

(ЎзТАГ мухбири).

ПИСТА ПЎЧОҒИГА КЎМИЛАЁТГАН ШАҲАР

«ЧИҚ-ЧИҚ», ЧИҚ-ЧИҚ». Бу товуш — соат оҳанги эмас. Писта чақаётган оғиздан эшитилаётган товуш. Бу «оҳанг»Челак шаҳрида бошқа жойдагидан кўра авжлироқ эшитилади. Челак — бу сув соладиган идиш эмас. Пайариқ ноҳиясидаги шаҳарча бўлади. Шаҳарчада бир пайтлар осмон қадар чўзилган баланд тепалик бўлгучи эди. Айтишларича, ўша тепаликни одамлар челаклаб тупроқ ташиб барпо этишган. Тепалик ичидан ғор ясаб, ёвуз кучлардан жонларини сақлашган экан. Шу-шу бу жой Челак номи билан машҳур. Ҳозир эса тепаликдан номигагина бир-икки кичик тепача сақланиб қолган, холос. Бир пайтлар тепалик атрофида қайсидир раҳбарнинг кўрсатмаси билан ғишт заводи қурилган эди. Тепаликнинг офати ўша бўлди. Ҳартугул, бутунлай адо бўлмасдан ғишт заводи бошқа ерга кўчирилди. Ҳар нечук, энди Челак шаҳри дейилишига асос бўлган «тепалик» бор-ку деб, баъзида кўнгилга тасалли бериш мумкин-ов.

Менга қолса бу шаҳарни Челак эмас, писта пўчоғига кўмилган жой деб аташ тўғрироқ бўлади. Сабаб — аҳолининг кўпчилик қисми писта сотиб тирикчилик қилишади. Қаёққа қараманг — писта пўчоғи. Кимга кўзингиз тушмасин писта чақаётган ҳолатда кўрасиз. Бу шаҳарча одамларининг асаби ҳам мустаҳкамланиб кетган. Тўхтовсиз «чиқ-чиқ»лардан ҳеч кимнинг асаби қақшаб, пешонаси тиришганини кўрмайсиз. Гўё шундай бўлиши керакдай. Бошқача манзара бўлса — челакликларга бирор нима бўлиб қоладигандек.

Мана, қаторлашиб ўтириб олганча писта сотаётганлар. Бу «иш» билан асосан аёллар шуғулланишади. На қаҳратон қиш, на жазирама иссиқ, хавфли дўлли ёмғирлар ҳам уларни «иш»га чиқишдан қайтара олмайди. Гўё улар қайсидир оғир гуноҳлари учун писта сотишга маҳкум этилган бандалардай.

Тонг саҳарда, қоронғу кечда, автобус бекатида ҳеч ким бўлмаса-да, писта сотувчилар ҳозиру-нозир. Оналарнинг қўллари писта сотавериб иссиқдан қорайиб, чанг-тўзонли шамолдан тарс-тарс ёрилиб кетган. Меҳрли чеҳралар қуёш нуридан қорайган, парча-парча доғ тушган. Бармоқларда ярашмаса-да, қўша-қўша тилло узуклар. Бу узуклар писта сотилган пулларга олинган. Пистадан тушадиган фойда, айтишларича анча-мунча. Ахир, бир стакан писта — 30 тийин.

Атрофда ҳовуч-ҳовуч писта пўчоқлари. Кечки пайт сотувчилар навбати билан бекатни супуриб кетишар экан. Супуриндилар ўша атрофдаги катта ариққа ташланади. Ариқдан жилдираб оқувчи сув писта пўчоқларини маълум вақтдан кейин чиритади ва атрофда бадбўй ҳид таралади. Яна, бу ерда ташналикни қондирувчи газли сув, нон, егулик у бу нарсалар сотилганига ўласизми-куясиз?

Аслида «Самарқанд—Нариманово» автобусининг бу «Челак» бекатини ҳечам бекат деб бўлмайди. Олтита устунни тикка қилиб, устини номигагина ёпишган. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Ўриндиқлар ҳам. Якшанба куни бозорлик қилиб чарчаган кексаларни ерга чўнқайиб ўтириб олишганини кўрсангиз, ичингиз идраб кетади. Яхшиям одамзодни ҳеч жой кўтармаса ҳам ер кўтаради.

Автобуслар ичи писта пўчоғига тўла ҳолда Самарқанд—Челак—Наримановога қатнайверади. Ҳамма писта чақиб, ерга, автобус ичига тупуради. Соғ ҳам, бемор ҳам. Ўша тупурилган писта пўчоқларига тўла автобусда Самарқандга етгунча чанг ҳаводан нафас олишга мажбурсан. Ахир бошингни ташқарига чиқариб, нафас олишнинг иложи йўқ. Ҳайдовчилар ҳам бунга кўникиб кетишган. Ўзлари ҳам йўловчиларга кўмаклашиб, пистадан чақишворишади. Ҳеч кимнинг хаёлига автобусга чиқиш учун патта олиш келмаса-да, писта олишни унутишмайди. Кейин ҳайдовчи Самарқандга кираверишда автобусни ярим йўлда тўхтатиб, патта сотади. Бунга ҳамма кўникиб кетган. Ҳеч ким эътироз билдирмайди. Эътироз билдирганларнинг овози ҳам кўпчилик ичидан эшитилмай қолаверади. Гўё худди мана шундай бўлиши керакдай.

Ўша автобус бекатининг ёнгинасида шаҳарчада ягона — А. Нишонов номли қишки кинотеатр бор. Унинг ичи қишин-ёзин писта пўчоғидан холи бўлмайди. Бир суҳбатда эшитган эдим. Кимдир «Пахтакор» стадионидан йиғиштириб олган бўш шишаларни сотиб, пулига енгил машина сотиб олган экан. Афсуски, писта пўчоғини сотолмайсан. Агар бирор уддабурон киши унинг ҳам фойдалилигини топганда эди — ерга тушганини битталаб териб олувчилар сонини санаш қийин бўларди. Балки Челакда ишсиз юрган минглаб кишиларнинг анчаси «ишли» бўлиб қолармиди?

Кинотеатр рўпарасида «Лола» болалар боғчаси ва М. Горький номли мактаб бор. Булар ҳам писта пўчоғидан озорланаётган жойлар.

Кишини бир нарса таажжублантиради. Ноҳия ички ишлар бўлими ҳам ўша ерда. Улар бу манзарани кўришмайди чоғи. Ҳеч-да, бўлмаган гап. Улар ҳам писта чақишни хуш кўришади. Бўлмаса пистафурушларга бирор чора кўришни аллақачон ҳал қилишарди. Яна бир қизиқ ҳол. Бекатдан юз қадамча нарида шаҳар кенгаши жойлашган. Шаҳар кенгашидагилар бу манзарани ҳар куни бир неча бор кўришга мажбур. Шаҳарча кун сайин писта пўчоғига кўмилиб бораётганлигини наҳотки билишмаса, сезишмаса? Билишади, сезишади — лекин бирор яхшиликка йўл топиша олишмайди. Ёмон иллатни ахир ҳамма ҳам тугата олиш қобилиятига эга бўлавермайди. У шаҳар кенгашида... ва бошқа жойларда ишласа ҳам.

Шаҳарча тор кўчаларининг атрофи ғиштли тўсиқлар билан «безатилмоқда». Эскини минг ямаганинг билан янги бўлмас. Тор йўлни безатгандан кўра, уни кенгайтириш чоралари кўрилса, яхшироқ бўларди.

Ноҳияда сариқ касаллиги билан оғрувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Менимча, бу касалликнинг кўпайишига ўша писталарнинг ҳам «қисса»си бор. Балки, сотувчиларнинг ўзлари ҳам аллақандай касаллик билан оғригандир? Бу томони билан қизиқишмайди.

Ҳурматли оталаримиз, момоларимиз ҳам суюкли набираларини қувонтириш учун бозорлик деб писта олиб келишади. Бир сўмга дўкондан нима ҳам оласан. Бир сўмга эса эҳ-ҳе қанча писта беради.

Куни билан писта сотиб ўтирувчиларнинг уйида юмушлари йўқмикин-а? Ахир оналарнинг ўрни қаерда бўлиши керак. Наҳотки оналик қадр-қимматини, бола тарбиясини, уй саранжом-саришталиги-ю, пазандалигини, бекалик бурчини — ҳамма-ҳаммасини писта орқасидан келадиган пулларга алмаштириб юборишса. Ўзи пулга чақилмаган нималар қолди, нималар? Минг уринсам-да, писта сотувчи аёлларни уйларида ардоқли бекалар сифатида тасаввур қила олмадим. Балки айтувчилар топилар — оилани боқиш учун нимадир қилиш керак-ку деб. Лекин оилани чақалар ортидан келадиган фойдага, куни билан ўзининг аёллигини унутувчи ҳолатга боғламаслик керак!

Бу ҳолга эътироз билдирувчилар ҳам топилади:

— Эй хотинлар, уйларингга бориб, иссиқ овқат қилсаларинг-чи. Куни билан ўтиришдан чарчамадиларингми? Сизлардан бошқа ҳамма аёллар ҳозир уйларида кечки овқат билан машғул. Сизларнинг эрларингизга ҳам қойил қолмадим.

Тўғри гап ҳар доим таънали бўладими?

Мана, автобусда Самарқанд шаҳрига ҳам етиб келдингиз. Бояги манзаралар энди бу ерга кўчгандай. Регистонга яқин жойда — Навоий кинотеатрининг орқасида ҳам автобус бекати бор. У ерда ҳам кундан-кунга писта сотувчилар кўпайиб бормоқда. Улар писта солинган тўрвачаларни ардоқлаб қўлларида кўтариб юришади. Шаҳар кўчалари ҳам ниҳоятда ифлос. Писта сотувчилар бунга бош-қош. Илло-билло ўзимиз ҳам бир кун келиб писта пўчоғига кўмилиб қолмайлик-да.

Бошқа социалистик шаҳарларга, ғарб давлатларига бориб келганлар у ердаги озодаликларни мароқланиб, ҳаваcланиб гапиришларини кўп бор эшитганман. Бизда ҳам шаҳарларимиз озода, саранжом бўлишига мана шу оддий нарсалар ҳам таъсир кўрсатаётганини биламиз. Лекин ҳеч нарса қилмаймиз.

Одамларнинг писта чақишдан оғзи тинмайди: «чиқ-чиқ». Бу товушни эшитмаслик учун қулоқларимни бекитиб оламан. Лекин кўзларим билан оғзилари қимирлаётганини кўриб, яна ўша товушни эшитгандай бўламан. Йўқ, бу гал сал бошқачароқ бўлиб эшитдим:

— Писта пўчоғига кўмилаяпмизми, кў-ми-ла-яп-миз...

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Мақолага сингдирилган шеър.

Бир бозор бор

Кўчага қараган нақшин дарвоза,
Тўрт томонга номи бўлган овоза.
Билмаганлар, билинг, керак
бўлади,
Бир бозор бор, номи Челак
бўлади.

Юз дўконда бир хил мол
юз хил нархдадир.
«Катта»ларнинг кўзи қайси
ёқдадир.
Чўнтагингиз қуриб элак бўлади,
Бир бозор бор, номи Челак
бўлади.

Совунга паншаха қўшиб сотади.
Олмасанг пулингни бетга отади.
Не берсалар олинг керак бўлади,
Бу бозорнинг номи Челак бўлади.
Тўрт одамнинг бири писта сотади,
Автобусга чиқсанг, энсанг қотади.
Наҳот қўй дегувчи кимса
бўлмаса,
Токайгача бу юрт ботиб ётади.
Бунча семиз деманг ану хотинлар
Қўйнидан дўконча очган отинлар.
Бир оғиз гапингиз сизга не керак,
«Анқонинг уруғи» топилса керак.
Ноёб мол керакми сизга эй,
меҳмон,
Дўкондан ахтариб бўлманг
ҳеч сарсон.
Пештахта тагида яна бир дўкон.
Сизга хизмат қилар кўтарса
ҳамён.
Ҳафтада икки бор бозор бўлади.
Кимдир хурсанд кимдир безор
бўлади.
Бу бозорнинг номи Челак
бўлади,
Уни қайта қуриш керак бўлади.

Назокат ШЕРБОЕВА,
Самарқанддаги мактабгача тарбия педагогика билим юрти ўқитувчиси.

Мавзуга қайтиб

ЧАЛКАШ ТАҚДИРЛАР



ИНҚИЛОБИЙ жараён давом этмоқда. Қайта қуриш ва ошкоралик чин ҳақиқатни рўёбга чиқараётир. Фуқаролар уруши давридаги босмачилик ҳаракатига янгича қараш, қатағон йилларидаги фожиали тақдирлар, афғон тупроғида асирга тушганларни қутқариш, умуман матбуот юзини кўрмаган ва ҳали бери кўриши мумкин бўлмаган воқеалар ошкор бўлмоқда.

Эндиликда ошкора тарзда оқни оққа, қорани қорага ажратадиган давр келди. Чунки айрим фуқаролар Брежнев даври турғунлигига қарши норозилик белгиси сифатида ватанни тарк этишди. Баъзилар эса ўша буйруқбозлик — маҳкамачилик системасининг кўрсатмаси билан сарҳадлардан ташқарига бадарға қилиндилар. Бироқ уларнинг аксарияти туғилиб ўсган она ерига, ўз халқига самимий муҳаббатларини сақладилар, ўз Ватанининг ҳақиқий ватанпарвари, ўз тарихи ва маданиятининг беғараз тарғиботчиси сифатида қолдилар. Энди эса ҳар ким ўзига яраша баҳосини оладиган пайт келди. Халқимизга садоқат билан хизмат қилган, ватанини жон-дилидан севган, билимдон ва фидойи кишиларни эъзозлашимиз лозим. Шу билан бирга пинҳоний ҳаракатларнинг қурбони бўлиб беҳуда жабр кўрган, урушнинг азоб-уқубатини тортиб ҳамон дашном эшитаётган одамлардан меҳримизни дариғ тутмайлик.

Лекин кейинги пайтда инқилобдан 50-йилларгача бўлган даврдаги ҳамма ёмон иллатларни фақат Сталинга ағдариб, тарихимизни батамом қоралашдек ёмон йўналиш пайдо бўлди. Бизда оқибат деган нарса қолмади ҳисоб. Ҳеч бир мамлакатда ўз ҳукмдорлари ҳақида биздагидек юзига лой чаплашлар бўлмаганлиги аниқ.

Энди ёшлар у ёқда турсин, кексалар ҳам тарихий шахсларнинг ким, нималигига тушунолмай қолди. Айрим ҳолларда «халқ душмани», «сотқин» деб келинган кишилар ҳақида қўққисдан, томдан тараша тушгандай ижобий фикрлар билдирилмоқда. Яқинда рўзноманинг 23 июнь сонида эълон қилинган, журналист Анвар Жўрабоевнинг Ўзбекистон халқ депутати, шоир Муҳаммад Солиҳ билан мусоҳабасида тилга олинган Боймирза Ҳайитов (Ҳайит) тақдири баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Мусоҳабада илк дафъа унинг тақдирига баҳо беришда бошқача ёндашилди. Ҳақиқатан ҳам шундаймикин? Мен у кишининг уруш йилларидаги фаолиятига доир Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик қўмитасида сақланиб келинаётган ҳужжатлар билан бир неча бор батафсил танишиб чиққан эдим. Шунинг учун ҳам мусоҳабани мутолаа қилдим-у, тинчимни йўқотдим. Қўлимга қалам олдим. Ҳамма нарсани очиқ-ойдин ёзишга жазм этдим.

Хорижда ватандошларимиз кўп. Уларнинг кўпчилигини ҳали биз билмаймиз. Бировлари ота-оналари билан инқилобдан олдин савдо-сотиқ ишлари туфайли хорижда қолиб кетишган бўлса, бировлар фуқаролар уруши даврида четга чиқиб кетишган. Айримларига эса урушдан сўнг ватанларига қайтиш насиб этмаган.

Ғарбий Германияда шундай ўзбеклардан бири, тиббиёт доктори Мурод Аҳмедов бўлади. Истеъдодли шифокор. У фақат кишиларни даволабгина қолмай, шу билан бирга у «ГФЖда ватандош-туркистонликлар маданияти жамияти» деган ташкилотга раҳбарлик ҳам қилмоқда. Унинг қизи Жаклин эса Тошкент хореография билим юртини тугаллаб, ўзбек рақсларининг ажойиб анъаналарини чет элда тарғиб-ташвиқ этаётир. Бу жамиятда Ўзбекистондан бошқа Ўрта Осиё жумҳуриятларидан келиб қолган кўплаб кишилар бор. Улар иккинчи жаҳон урушидан сўнг турли сабабларга кўра уйларига қайтолмай Германияда қолиб кетишган. Доктор Аҳмедов пешонасига ҳам шундай кун ёзилган экан.

Ғарбий Германияда истиқомат қилаётган ва биз ҳикоя қилмоқчи бўлган яна бир ўзбек Боймирза Ҳайитдир. У муҳожир ватандошларимиз орасидаги анча нуфузли кишилардан бири.

Кельн шаҳри ташқарисидаги Дурлахер штрассесида Остхайм деб номланган унча катта бўлмаган алоҳида уйда «Туркистон тадқиқот институти» жойлашган. Ҳамон дунёда Ўрта Осиё шўро жумҳуриятларида юз бераётган жараёнларга қизиқиш ниҳоят катта.

Узоқ ГФЖда ҳам ана шу мавзу билан илмий-тадқиқот ташкилоти шуғулланаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Унга бизнинг собиқ ватандошимиз Наманган вилоятидан бўлмиш Боймирза Ҳайитов (ёки Боймирза Ҳайит) бошчилик қилмоқда. Илмий муассаса штати ҳам бармоқ билан санарли. Биз директорини айтиб ўтдик. Унинг ёлғиз ўзи илмий ходим, унинг ўзи — илмий котиб, ҳа, котиб — машинкаловчи ҳам унинг ўзи. Ўзининг қирқ йилдан ортиқ тадқиқотчилик фаолиятида дўхтир Ҳайит бир қанча катта ҳажмдаги монографиялар, кўплаб мақолалар ва брошюралар чоп эттирди. Яхшигина кутубхонага эга. Ундан Ўзбекистон, Ўрта Осиё жумҳуриятлари тарихига оид рус ва ўзбек тилларида босилган кўплаб китоблар ўрин олган. Бизнинг нашрларимиздан фақат «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Коммунист Ўзбекистана»га обуна бўлган. Бошқа нашрларга ҳам обуна бўларди, лекин Ғарбий Германия шароитида чўнтаги кўтармайди-да, баъзан дўхтир Ҳайитнинг ўзи ҳам буни тан олади...

Боймирза 1917 йилда Наманган вилоятининг Уйчи ноҳиясида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Ўрта мактабда таҳсил кўрди, лекин ёмон ўқимади. 1930 йилда комсомол сафига кирди. Ўн йилдан сўнг 1933 йилда Наманган педагогика техникумини тугатди. Тарих, рус тили ва адабиёти — унинг севган фанлари. Ўн етти ёшидан бошлаб ўзининг қадрдон Уйчи ноҳиясида ўқитувчилик қила бошлади, 1934 йилда Тошкент сиртқи педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирди. 1936 йилдан бошлаб ўрта мактабга директорлик қила бошлади. 1939 йилда олий маълумотга эга бўлади. Социализм сиёсий иқтисоди, тарихий материализм, диалектик материализм, ленинизм, ВКП (б) тарихи, Ўрта Осиё тарихи, СССР халқлари тарихи барча курсларини «аъло» баҳога топширади. Рус тилини анча пухта билган. Бу ўша давр учун камдан-кам юз берадиган ҳодиса. Унинг ўша даврдаги ҳаётини яхши билган кишилар бир овоздан: у биринчи комсомолларимиздан эди, деб эслашади. Доимо — барча йиғинларда, ҳатто тўйларда ва дўстлари даврасида энг эътиқодли коммунист сифатида маъруза қиларди. Ҳатто орден билан тақдирланганди.

Боймирза Ҳайитов Улуғ Ватан урушига чақирилгунга қадар Уйчи ноҳияси, Наманган ва Андижон вилоятлари халқ маорифи бўлимлари мудири лавозимларида ишлаган.

1940 йилда Қизил Армия сафига чақирилган. Қисқа муддатли курсни тугатгач, унга офицерлик унвони берилган...

Йўқ, Сталин қатағони қурбонига ёки ишончли антисоветчилигига, собиқ бой оиласида тарбия кўрган ёки қулоқ қилинган ўртаҳол деҳқонга ўхшамайди. Ҳамма-ҳаммаси, аксинча... 1941 йилнинг ёзида Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси офицери Ҳайитов асир тушди... Ўша йил кузининг бошида ҳарбий асир Ҳайитов концлагер маъмуриятига, у орқали Германия қўмондонлиги вакилига «Германия рейхининг улуғ фюрерига» ёрдам кўрсатиш учун Ўрта осиёлик асирлардан немис армияси таркибида янги ҳарбий бўлинма — «СС Туркистон батальони» тузиш ташаббуси билан мурожаат қилади.

Шундан сўнг Боймирзани айғоқчи сифатида «Цеппеллин» разведка органига жалб этишди ва уни немис разведка-қўпорувчилик мактабига курсант сифатида йўллашди. У бу ерда ҳам қоқилмади. Мактабни аълога тугаллаб, ўзининг янги офицерлик унвонини олди, шу мактабнинг қарамоғида ўқитувчилик ва раҳбарлик ишида қолдирилди.

Мактабнинг собиқ курсанти «СС Туркистон батальони алоҳида ротаси»нинг собиқ аскари Ҳ. Қобулов шундай гувоҳлик беради:

— Польшанинг Легионово деб номланган жойидаги разведка мактаби, айғоқчилик маълумотларини тўплаш учун Қизил Армиянинг орқа томонига унча катта бўлмаган группани ташлаш учун немис разведкаси жосусларини тайёрларди. Легионоводаги разведка мактабида Ўрта Осиё миллатларидан иборат совет ҳарбий асирлари — ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар сабоқ олишарди.

Мактаб уч взводли рота сифатида шаклланганди. Унда 150 га яқин тингловчи бор эди. Мактабга немис эсэсчи гауптштурмфюрер Цинкер, оберштурмфюрер унвонидаги унинг икки ўринбосари раҳбарлик қиларди. Мактабга рота командири, немислар билан бир қаторда рота командири ўзбек ҳам галма-гал қўмондонлик қилиб туришарди.

Разведка иши бўйича тингловчиларнинг махсус тайёргарлиги Легионовода эмас, Бреслау шаҳрида ўтказиларди. Бу ерга разведка мактаби тингловчилари отиш, қўпорувчилик ишлари тайёргарлигидан ўтиб, радио иши ўқувини тугатганларидан сўнггина юбориларди.

Бреслауда мактабни тугаллаб, махсус тайёргарликни ўтаган шахслардан группаларга беш кишидан — икки нафар радист ва уч нафар разведкачи бириктирилиб, айғоқчилик маълумотлари тўплаш топшириғи билан Қизил Армиянинг орқа томонига ташланарди.

Ҳайитов Боймирза — ...ана шу жойда СС ротаси командири, яъни амалда разведка мактаби командири эди...

«Рота»нинг бошқа собиқ курсанти С. Хожиев кўргазмасидан:

— Ҳайитов Боймирза 29—30 ёшларда, ўзбек... касби ўқитувчи, Қизил Армияда командир бўлиб хизмат қилган... Унинг айтишича, гўё Ватан урушигача Ленин ордени билан мукофотланганмиш, мактабда СС ротасига командирлик қилди, айни маҳалда сиёсий машғулот сабоқларини олиб борди. Қизил Армия ва Совет ҳокимиятига қарши курашга чорлади. СС қўшинлари катта лейтенанти унвонига эга эди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам орадан бир қанча ойлар ўтмасдоноқ штурмфюрер Ҳайитов, энди улуғ рейхнинг фуқаролигини қабул қилган Ҳайит оберштурмфюрер унвонини олди. Шунингдек, у биринчи даражали «Остмедаль» билан мукофотланди. Бу фақат сафда қаддини аъло ростлагани учунгина эмас, балки «СС Туркистон батальонининг алоҳида ротаси»га командирлик қилгани, бўлажак айғоқчилар ва қўпорувчилар ўртасида «сиёсий тайёргарлик» машғулотларини намуиали ўтказгани учун берилганди. У ҳарбий асирлар лагерлари бўйлаб елиб-югурар, Ўрта Осиёдан тушганларни танлаб олар, улар ўртасида фашистик, Советларга қарши тарғибот ишларини фаол олиб борар, ўз ротаси учун янги курсантларни ёлларди.

Бундай истеъдодни пайқамаслик мумкин эмасди. 1942 йилнинг сентябридаёқ яшин тезлигида оберштурмфюрер Ҳайитга навбатдаги СС группштурмфюрери унвони берилди ва у зудлик билан Берлинга «юқори лавозимли масъулиятли иш»га юборилди.

Ўша 1941 йилдаёқ «улуғ рейх» пойтахтида таниқли миллатчилар, Ватан сотқинлари Мустафо Чўқаев ва Вали Қаюмхон раҳбарлигида «Туркистон миллий қўмитаси» (ТМҚ) тузилганди. Унинг вазифаси «қадрли ватандошлар — туркистонликларни улуғ фюрер байроғи остида большевизмга қарши аёвсиз курашиш учун бирлаштириш» эди. Албатта, ТМҚнинг ҳақиқий хўжайинлари на Чўқаев ва на Қаюмхон эдилар. Қўмитанинг бутун фаолиятига Альфред Розенберг тўла раҳбарлик қиларди. Бевосита бошчиликни «профессор» Герхард фон Менде олиб борди. У «арийцларнинг ирқий устунлиги» назариясининг муаллифларидан бири эди.

Бироқ «Туркистон миллий қўмитаси»даги аҳвол Розенберг ва фон Мендени безовта қилаётганди. Қўмита ичида ўртоқлик ва аҳиллик йўқ эди. Аксинча, бир-бирини сотиш, бузғунчилик, очиқчасига ҳокимият учун кураш борарди. Бири иккинчисига қарши қўл кўтарган, яхшиям Вали Қаюмхон имкониятни қўлдан бой бермади, ўзининг «доно устози ва севимли ўқитувчиси» Мустафо Чўқаевни заҳарлаб, унинг «Туркистон миллий қўмитаси президенти» лавозимини эгаллади. Вали Қаюмхон ўттизинчи йиллардаёқ гестапонинг яширин жосуси эди, бироқ... Махсус тайёргарликдан ўтмади, бир неча марта уриниб кўрди, чиқмади, қарийди. ТМҚга зудлик билан «қаттиқ қўл» одам керак бўлиб қолди. Шу ўринга Боймирза Ҳайит мос эди. 1942 йил сентябридан у ТМҚнинг «ҳарбий бўлими» бошлиғи ва Вали Қаюмхоннинг ўринбосари бўлди.

Эс-эсчи Ҳайит керакли маҳоратни тўла эгаллаб олганди. Собиқ «легиончи» А. Мухторов эсдалигидан: «Легионово шаҳридан бизни Германияга, Бреслау шаҳрига жўнатишди. Бу ерда Б. Ҳайит икки ой бизнинг ротага командирлик қилди. Уч аскаримизни айблари бўлмаса ҳам йўқ қилди. Солдат Шарипов Боймирза Ҳайитга қараб: «Боймирза, немисларга сотилгансан», деди. Лагерь бошлиғи гауптштурмфюрер Пеннер эди. Пеннер ўзига қандай ишонса, Ҳайитга ҳам шундай ишонарди. Шунинг учун ҳам Боймирза кун-у, тун у билан ёнма-ён эди, биз киммиз, нима ҳақда ўйлаяпмиз — ҳаммасини етказиб турарди. Шарипов Ҳайитовни ёмон кўрарди. Боймирза эса Шариповни ўлдириш сабабини ўйлаб топди. Ҳайитов Пеннер ҳузурига бориб, Шарипов ўрмонда 14 ёшли немис қизини ушлаб олиб, номусига теккан, деб чақди. Пеннер эса ҳеч кимдан сўраб-суриштирмай, Боймирзага ишониб, Шарипов устидан ҳукм чиқариб қўя қолди. У шундай қотилликни ўйлаб топдики, эҳтимол ўша вақтда ҳали жаҳон аҳли буни билмагандир. Ўн метр оралиқдаги иккита дарахтнинг учига Шариповнинг икки оёғини боғлаб, дарахтларни қўйиб юборди, Шариповнинг гавдаси иккига бўлиниб кетди...»

Туркистон «легиони»нинг шаклланиши давом этарди. Улар Украинада, Белоруссияда, Польша, Франция, Италия, Грецияда жанговар ҳаракатларда ва жазолаш экспедицияларида иштирок этдилар. «Легионерлар»нинг бирмунча қисми қочиб, партизанлар томонига ўтдилар, йўқотишлар бўлди. Ҳайит гитлерчилар олдида елиб-югуриб хизмат қилар экан, бу талофотларнинг ўрнини тўлдиришга интиларди. Тўғри, энди ёллаш, тарғиб-ташвиқ қилиш, алдаш ўрнини легионга совет ҳарбий асирларини зўрлаб киритиш эгаллай бошлади, шундай ҳам бўлардики, туркистонлик ҳарбий асирлар онгли равишда «легион»га бориб, қўлларига қурол-яроғни киритиш имконияти туғилиши биланоқ Совет Армияси сафига қайтишни мақсад қилиб қўйишганди. Қаюмхон ва Ҳайитовлар тагидаги баланд курсилар қимирлаб қолди.

Шундан кейин Қаюмхон ва Ҳайитлар ўз хўжайинларига садоқатларини ва имкониятларини намойиш этиш мақсадида 1944 йилнинг июнь ойида Венада «Туркистон миллий қўмитаси конгресси»га тўпланишди. Анжуманга «Туркистон легиони» командирлари ва оддий аскарлар, инқилобдан кейинги буржуа-миллатчи муҳожирлар, шубҳасиз, Шарқий вазирлик ва вермахтнинг юқори табақалари таклиф этилдилар. Ҳеч нарсадан тап тортмаган Қаюмхон ва Ҳайит «Туркистон легиони»нинг большевизмга қарши курашдаги хизматларини орттириб-бўрттириб кўрсатдилар, Гитлерга садоқатликлари ҳақида қасамёд қиладилар, «қадрли ватандошлари»га «лаънати совет империяси бир ярим-икки ойдан ўтар-ўтмас фюрер оёғи остида тиз чўкади» деб ваъдалар берадилар. Ана шу «конгресс»да «Улуғ Германия империясининг протекторати сифатида «Улуғ Туркистон»ни тузиш эълон қилинди. Унинг президенти қилиб Вали Қаюмхон, ўринбосари қилиб Ҳайит сайланди. У мудофаа вазири сифатида тезлик билан тузилган «Улуғ Туркистон ҳукумати» составига кирди ва ўзини СССР билан уруш ҳолатида деб, расман эълон қилди. Ҳайит томонидан тузилган «Туркистон легиони», «СС Шарқий мусулмон дивизияси», Темур номли батальон, «СС дала ва жазолаш роталари» «Туркистон армияси» деб эълон қилинди.

Гитлер империясининг куни тугашига саноқли кунлар қолгунча гауптштурмфюрер Ҳайит ўзини Германиянинг СССР устидан узил-кесил ғалабасига ишончи зўр, эътиқодли нацист сифатида кўрсатишга уринди.

Бироқ ҳаёт ҳамиша ўз тузатишларини киритиб бораверади. Энди Ҳайит Гитлернинг қудратига ишонмай қўйди. Садоқатини фақат шунчаки намоён этган бўлди.

Яхшиси, келинг ўша давр воқеаларининг бевосита гувоҳи бўлган кишиларга мурожаат қилайлик. Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси собиқ старшинаси, 1942 йил августда асирга олинган, кейинчалик вермахт полки командири бўлган Ғулом Алимов ҳикоя қилади:

«...1944 йил августи бошларида биз Варшава шаҳрида поляк исёнчилари билан жангга киришишга мажбур бўлдик. Бу қўзғолонни бостиргач, бизнинг «СС мусулмон дивизия»миз Чехословакияга кўчирилди. Бу вақтга келиб мен мусулмон дивизиясининг СС полки маслаҳатчиси, яъни полкнинг иккинчи командири қилиб тайинландим, асосий командир оберштурмбанфюрер СС Харун эл Рашид ҳисобланиб, миллати немис эди.

... 1944 йил октябрь ўрталарида бизга Муява шаҳрига (ҳозирги Чехословакия) Боймирза Ҳайит келди. У Туркистон легиони ва қўғирчоқ ҳукуматидаги аҳвол ҳақида гапириб берди. У ҳар эҳтимолга қарши ўзига, шунингдек, менга турк паспорти сотиб олиш зарурлигини, уларга пул билан ёрдам кўрсатиш кераклигини баён этди, менда ҳеч қандай пул йўқ, деб ишонтиришимга қарамай, Боймирза менга ишонмади ва қандай йўл билан бўлмасин пул топишимга мажбур этди.

Мен Боймирза нима истаётганлигини пайқаб, унинг сурбетлигига чидай олмай эндигина олиб келинган палов солинган лаганчани унга қараб улоқтирдим. Шундай дедим: «Биз сен билан ўзимизни-ўзимиз сақлашга тайёрмиз, бундан кейин бизларни раҳбарлари, деб тан олган туркистонликларнинг аҳволи не кечади? Шу заҳотиёқ ўз мавқеимдан фойдаланиб, Боймирзага полк ҳудудини тарк этишни таклиф этдим, акс ҳолда отиб ташланиши мумкинлигини уқтирдим. Шундан кейин орадан саккиз кун ўтгач, мен полкни кўтариб, совет партизанлари томонига ўтдим. Орадан кўп ўтмай немис самолётлари партизанлар отряди жойлашган ерга Боймирза Ҳайит ва ТМҚнинг бошқа аъзолари имзо чеккан варақаларни ташлай бошладилар. Бу варақаларда мен — Алимов ТМҚ ишига хиёнат қилиб, руслар томонига ўтганим қайд этилган эди. Худди шу варақаларда кимки мени тириклайин ёки ўлган ҳолда ТМҚга олиб борса, мукофот ваъда қилинганлиги ҳам кўрсатилганди. Орадан бир неча кун ўтгач партизанлар томонидан миллати ўзбек бўлган бир киши ушланди. Бу киши сўроқ вақтида ўзини Хўжаев деб атади, исми эсимда йўқ, у Боймирза топшириғи билан биринчи навбатда мени ўлдириши ва совет партизанлари томонига ўтганда ўзим билан бирга олиб келинган ҳужжатларни ўғирлаши керак экан. Партизанлар кенгаши қарори билан Хўжаев қатл этилди».

Боймирза фюрерга чексиз садоқатли, сўнгги нафаси қолгунча большевиклар билан олишишга аҳд қилганлигига қарамай, энг жиддий пайтда — қирқ бешинчи йилнинг апрелида Германиянинг Ғарбий ноҳияларига бориш учун ўзига «командировка» тўғрилаб, у ерда иттифоқчи қўшинларни кутиб олди. Шубҳасиз, турк фуқаролиги паспорти билан. Тўғри, бундай ҳужжатни ўзининг «Вали Қаюмхон отаси»га ундириб беролмади. Вали Қаюмхон бироз вақт собиқ юқори мартабали нацистлар ва уларнинг хизматкорлари учун лагерда ўзининг қонуний жойини эгаллаб турди. Лекин «миллатлар отаси» ва «Улуғ Туркистон президенти»нинг азият чекишлари узоққа чўзилмади.

Боймирза Ҳайит Туркия фуқаролиги паспорти билан оёқларини куйдираётган ердан тезроқ бош олиб кетишга интилди. Худо кўрсатмасин «Туркистон отаси» билан бақамти келиб қолишни, нақ судга тушиб қолишини ҳам ўйлади.

Дунё жуда тор. Айниқса, дунё эндиликда истеъфога чиққан вице-президентга ва «Улуғ Туркистон» мудофаа вазирига тор келиб қолди. 1947 йилда Боймирза яна ўзининг Шарқ вазирлигидаги собиқ хўжайини собиқ фон Менде билан учрашди. Бу олимнинг ўтмишдаги ирқчилик фаолиятига қарамай, Менде ва Ҳайитнинг иноқлиги балки инглизларни қаноатлантирарди. Шундай, бу жуфтликда учинчиси етишмай турганди. Тез орада нацист жиноятчилар ва фашистлар режимининг юқори мартабали арбоблари учун қурилган лагердан ёруғ дунёга «фюрер — ота» — Вали Қаюмхон қутулиб чиқди. «Совуқ уруш» бошланган пайтда у ўзини «Туркистонни большевизмдан озод қилиш учун кураш байроғи» билан чиқди. Бу ажралмас учлик сиёсатнинг жўшқин тўлқинларига яна тушиб олдилар.

Кунпаё-кун бўлган «Туркистон миллий қўмитаси» яна уйғона бошлади. Албатта, ҳозир у аянчли, илвираган кўринишда. Катта қийинчиликлар билан унинг бир қанча собиқ ходимларини қидириб топишга, яна сиёсий фаолиятга қайтишга кўндиришга муваффақ бўлинди. Албатта, янги шароитда «Туркистон армияси»ни қайта тиклаш ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келмайди. Янги хўжайинлардан олинган ёрдамга берилган маблағни қандай қилиб расамади билан ишлатиш мумкин?

Шу заҳотиёқ Герхард фон Менденинг калласига қутқариш ғояси келади. Ўз халқи билан ўқ отиш қуроли орқали курашиш мумкин эмас экан. У ҳолда мафкура қуроли бор-ку! Вермахтнинг ва ССнинг собиқ офицерлари, гестапонинг агентлари тезлик билан илмий ходимларга айланадилар. Яна «Миллий Туркистон» журнали чиқа бошлади.

Бу даврга келиб Боймирза иккинчи марта уйланди. Бу сафар ўзига анча тўқ Ғарбий Германиянинг бадавлат кишиси қизини хотинликка олди. Журнал Ҳайитнинг қайнотасига тегишли босмахонада чоп этиладиган бўлди. Унинг нашрига инглиз махсус хизмати ҳақ тўлаб турди.

Боймирза янги таъсис этилган ташкилот — большевикларга қарши халқлар блокининг энг фаолларидан бирига айланди. Бу блокда Ҳайит «Шарқнинг барча мусулмонлари большевикларга қарши кучлари мухтор вакили» деган фахрий лавозимни эгаллади. Нима етишмайди? Ҳайит профессор фон Менде раҳбарлигида тезда докторлик диссертацияси ёзишга киришади.

Ҳайит уни нашр эттиришга уринмади. Диссертацияни ёқлаган вақти ва жойи ҳам тайинсиз. Унинг мазмуни ҳақида фикр юритиш ҳам қийин. Бироқ эллигинчи йиллар бошларида Боймирза Ҳайит барча ёзишмаларда ўзини «Шарқшунослик доктори» деб атайди. Доктор бўлса, доктор-да!

Бироқ, «Туркистон миллий қўмитасининг иши аянчли аҳволга тушиб қолганди. «Миллий Туркистон» журнали ҳам ўша вақтда жуда кам тиражда босиларди... ТМҚнинг аъзолари ўртасида 15-20 нусхада тарқатиларди. Тўғри, икки ёки учта нусхасини Туркистондаги, Афғонистондаги «дўстлар»га юборишди. Яна ТМҚ байроғи остида «қадрли ватандошларни» бирлаштира олмади. Улар ўзларининг «доҳийси» башарасини яхшигина билиб олишганди, янги хўжайинларига СССРга разведка-қўпорувчилик фаолиятини олиб бориш учун «кадр»ларини рўбару қилиш ваъдаси ҳам бажарилмай қолди. 1953 йилда инглизлар сиёсий тубан кетган «Туркистон миллий қўмитаси»га маблағ ажратишдан воз кечдилар. Шундай қилиб, ТМҚ қазойи муаллаққа учради.

Бироқ доктор Ҳайитнинг ҳали орзу-умидлари катта эди. У янада машҳур бўлишни, шон-шарафга бурканишни истарди. Ҳайит шоша-пиша бирин-кетин ўз монографиялари, брошюралари, мақолаларини чиқара бошлади. «Туркистон XX юз йилликда», «Москва ва Шарқ», «Тошкент руҳи», «Туркистонда исломга қарши Совет Россияси сиёсий ҳужжатлари», «Туркистон мисолида совет — рус шарқ сиёсати» сингари китоблари ва бошқа ўнлаб мақолаларини чоп этади.

Яна доктор Ҳайитнинг номи ғарб матбуотлари саҳифаларида кўриниб айрим радиоэшиттиришларда овози чиқиб қолди. Доктор Ҳайитга Туркистон миллий мустақиллигининг иродали жангчиси, Ўрта Осиё халқлари манфаатларининг ишончли ҳимоячиси ва ҳақиқий ифодачиси сифатида эътибор бера бошлади. Ҳатто айрим сиёсий раҳнамолар Боймирза Ҳайитнинг сал бўлмаса СССРда қайта қуришнинг... биринчи хушхабарчиси ва пайғамбари деб айтишдан ҳам ўзларини тиймадилар. Улуғ ватанпарвар доктор Ҳайитнинг ғоялари ҳозир гўё мамлакатимизда янги миллий сиёсатнинг пойдеворига айланиб қолмоқда.

Йигирма йил муқаддам совет матбуотида шарқшунослик доктори Боймирза Ҳайитнинг ҳақиқий қиёфаси ҳақида айрим материаллар босилган эди. Ўшандан буён кўплаб сувлар оқиб ўтди. Бугунги ёшлар Ҳайит ҳақида умуман ҳеч нарсани билишмайди. У ҳақида биз қисқача ҳикоя қилдик, холос. Ошкоралик даври ҳамма нарсани очиқ-ойдин баён этишни тақозо этади. Ҳали тарихнинг ўқилмаган саҳифалари кўп. Уларни мутолаа қилиш, ҳиссиётга эрк бермаслик, айрим чалкаш тақдирлар ҳақида тўла ҳақиқатни баён этишимиз керак. Шундагина биз муштарийлар олдида қарздор бўлиб қолмаймиз.

М. ШАРОПОВ.

Хорижддан хабарлар

«СИНСЭН» КХДРДА

ПХЕНЬЯН. ТАСС мухбири Александр Валиев хабар қилади.

Бу ерда ўзбекистонлик корейсларнинг «Синсэн» деб аталган театр студияси ўзининг иккинчи намунали ҳисобот концертини ниҳоясига етказди. Уларнинг чиқишлари Пхеньяндаги энг кекса театрларнинг бири «Моранбон» театрида бўлди. Томошабинларнинг қизғин олқишлари ва қарсаклари остида ўтган концерт театр студия артистлари қалбини тўлқинлантириб юборди. Томошабинларнинг тан олиши ҳар қандай артист учун ёқимли бўлиб, у маҳаллий рўзномалар ёзганидек, Корея Халқ Демократик Жумҳуриятида, «Ватан қучоғида узил-кесил қарор топган янги театр жамоаси туғилганлигини билдирарди».

Айни вақтда бу чиқишлардан икки киши — театр директори Чин Александр Иванович билан унинг умр йўлдоши, театрнинг бадиий раҳбари, театр вужудга келишида бор кучини сарфлаган Елизавета Николаевна Ким, айниқса, қувонишарди. Театр туғилиши билан уларнинг қадимий орзуси — чинакам миллий корейс фольклор жамоасини тузиш орзуси рўёбга чиққан эди. Бу театр Совет Иттифоқида корейс миллий маданиятини ривожлантиришга кўмаклашган бўлур эди. Мамлакатимизда ҳозир иккита — «Чхончхун» ва «Ариран» корейс ансамбллари мавжуд, лекин уларда фольклор эстрада асарлари билан уйғунлашиб кетган. Янги театр фақат фольклор асарларида ўз репертуарини яратади, буни унинг раҳбарлари талаб қилишмоқда.

КХДР раҳбарлари — жумҳурият Президенти Ким Ир Сен, унинг ўғли Ким Чен Ир труппа билан шахсан учрашдилар. Ким Чен Ир театрнинг барча талаб-истакларини қондирилиши тавсия қилинган ҳужжатни имзолаган. Ана шундан кейин жамоага ҳамма ерда катта имкониятлар бериб қўйилганлиги тўғрисида гапиришнинг ҳожати бормикин? Жамоа атиги уч ой ичида олтита рақсни ўрганиб олди, булар орасида Шимолда деярли унутиб юборилган ва ниқобларда ижро этиладиган рақс ва миллий тўй маросимини ифодаловчи рақс ҳам бор.

Шундай қилиб янги театр бизнинг мамлакатимизда ҳаётга йўлланма олмоқда. Театр раҳбарларининг режалари ниҳоятда катта — улар актёрлар танлаш, корейс рақсларига, корейс тилидаги қўшиқларни ижро этишга ўргатиш, она тилини ўрганиш юзасидан дарслар ташкил этишни ният қилишгач. «Кадрларни танлашда пухта сиёсат юритиш керак, дейди Александр Иванович, — чунки театримиз ҳозир Япониянинг «Кабуки» театрининг аксини эслатади: агар у ерда барча аёл ролларини эркаклар ижро этишса, бизда барча эркаклар ролини аёллар ўйнашади». Театр хориждаги ватандошлари билан алоқаларни ривожлантириш, барча соҳаларда улардан ўрганиш ниятидадир.

«Синсэн» театрининг намунаси мамлакатимизда кўпгина маданиятлар мавжудлиги шароитида сабоқ олса арзийдиган воқеа бўлди. Кейинги вақтда барча миллатларнинг вакиллари халқ маданиятини тиклаш зарурлиги тўғрисида кўп гапиришаяпти. Театр раҳбарлари гапирибгина қолмай, ушбу жараёнга аниқ-равшан ишлари билан ўз ҳиссаларини ҳам қўшмоқдалар. Улар ўз жамоаларига «Синсэн», яъни «Тикланиш» деб бежиз ном бермадилар. Уларнинг улкан режалари рўёбга чиқишига ва театр Совет Иттифоқи бадиий жамоалари орасида муносиб ўрин эгаллаб, фақат корейс санъатинигина эмас, шу билан бирга умуман мамлакатимиз маданиятини ҳам бойитишига умид қиламиз.



Бутун вужуди билан берилиб куйлаётган бу қўшиқчини танийсизми? У Кэрри Сан Ра (АҚШ) бошчилигидаги «Аркестр» жаз дастасининг таниқли ижрочиси Майкл Рей бўлади.

Бу лавҳа яқинда Москвада бўлиб ўтган халқаро жаз фестивалида тасвирга туширилган. Фестивалда Фредди Хаббард, Бастер Уильямс, Бранфорд Марсалис (АҚШ), Альберт Мангельсдорф (ГФЖ), голландиялик жаз дастаси вакиллари сингари жаҳон жаз юлдузлари қатнашишди.

Сураткаш Р. ДЕНИСОВ. (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЧОПҚИРЛИКДА КИМ БИРИНЧИ!

● УЭЛЬСДА (Буюк Британия) ҳар йили антиқа мусобақа ўтказилади, яъни чавандоз билан пиёда киши пойга ўйнайди. Улар босиб ўтадиган масофа 22 мил (35 километр)ни ташкил этади.

Бу мусобақада ҳозирча чавандоз ғолиб чиқмоқда. Лекин шуни мамнуният билан айтиш керакки, улар ўртасидаги фарқ йилдан йилга қисқариб бормоқда.

Масалан, 1988 йилда ўтказилган мусобақада пиёда спортчи чавандоздан атиги 4 минут кейин марраға етиб келган. «Интенэшнл уайлдлайф» жаридасининг таъкидлашича, яқин вақт ичида инсон чопқирликда отлардан ўзиб кетаркан.

ЭРТАЛАБ СОАТ 7 ДАГИ ЎҒИРЛИК

● РОЧЕСТЕР шаҳрида АҚШ тарихида иккинчи марта энг йирик ўғирлик содир бўлди.

Эрталабки соат 7 ларда «Аморд мотор сервисиз оф Америка» компаниясига қарашли бронемашина кичик бир тамаддихона ёнида тўхтади. Ундан бир киши тушиб, йўлда еб кетишга у-бу нарса олиш учун емакхонага кирди. Ҳайдовчи эса машинада қолди. Шу пайт ўғрилардан бири кабинага отилиб кирди ва... Иккинчи одамни ҳам машина олдига келганда қўлга олишди ва иккала инкассаторни бронемашинада Рочестернинг кимсасиз ерларига олиб кетишди. У ерда эса ўғрилар пулни бошқа машинага юклашди, инкассаторларнинг эса қўлоёғини боғлашиб, бронемашинаси билан ташлаб кетишди.

Маълум бўлишича, бронемашинада 10,8 миллион доллар бор эди. Худди шундай катта ўғирлик 1982 йилда ҳам Нью-Йоркда содир бўлганди. Ўшанда 11 миллион долларни ўғирлашганди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Ёшлар фестивали



Шўрчида дўстлик ва бирдарлик шиори остида ноҳия ёшларининг фестивали бўлиб ўтди.

— Ноҳиямизда 1350 га яқин комсомол аъзолари бор, — дейди Шўрчи ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Маҳмуд Абдураҳмонов. — Ушбу тадбирда жамоа ва давлат хўжаликлари ёшлари фаоллик кўрсатдилар. Эрта тонгдан бошланган дилхушлик кечгача кўнгилларни тарк этмади.

Ҳа, биринчи котибнинг сўзларини рад этиш қийин. Чунки тадбирга астойдил тайёргарлик кўрилган эди. Энг муҳими, фестиваль ўтказиш ташабуси уларнинг ўзларидан чиққан. Юқоридан ҳеч қандай кўрсатма бўлмаган.

Фестиваль доирасида ўтказилган турли мусобақалар, дилдан суҳбатлар, фирқа ва комсомол ветеранлари билан учрашувлар, ажойиб концерт программалари ёшларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминлади.

— Шундай тадбирларни ўтказиб туриш керак экан, — дейди ноҳия комсомол қўмитаси иккинчи котиби Исмат Жўраев. — Ёшларимизнинг чин дилдан қувнаб-яйраганлигини кўриб, севиниб кетдик. Ахир биз уларнинг дардини тингламасак, ким тинглайди. Йигит-қизларнинг қалбига қулоқ солмасдан улар ишончини қозониш эса мушкул.

Бу борада улар ташвиш тортмаса ҳам бўлади. Қолаверса, ноҳия ёшларининг комсомол етакчиларидан кўнгли тўқ. Биладиларки, улар хайрли бир иш бошладиларми, охирига етказмасдан қўймайдиар.

Фестивалдаги турли конкурслар, ошпазлар, қандолатчилар мусобақалари, ўзбек миллий либослари бўйича бўлган баҳслар кўпчиликка манзур бўлди.

Кечқурун эса ноҳиянинг бош кўчаларидан бири — Совет кўчаси бўйлаб оммавий сайл бўлди. Шўрчи умумий овқатланиш корхонаси ва савдо ходимлари йиғилганларга баҳоли қудрат хизмат қилдилар.

СУРАТЛАРДА: ёшлар фестивалидан лавҳалар.

Сураткашлар О. МАМАТҚУЛОВ ва Муҳаммад АМИН.

ЎКСИК ҚАЛБЛАР

ТОНГ ОТМОҚДА. Унинг ойдинлиги бежирим каравотларда, оппоқ чойшаблар тўшалган иссиқ ўринда ширин уйқуда ётган болалар юзини ҳам ёритарди. Ана, бир ўсмир уйқусираган кўйи чиройли жилмайиб қўйди. Ким билсин, балки тушида отажони, онажони билан сайр қилиб юргандир. Бошқа хонадаги ўзга бир қизалоқ эса ўзи сезмаган ҳолда қўлларини олдинга чўзиб, қаёққадир талпинади. Балки шу тобда онаизори томон қучоқ очиб чопиб бораётгандир...

Хива шаҳридаги 20-болалар уйига тонг палласида кириб борсангиз юқоридаги манзаранинг гувоҳи бўласиз. Улар тушларида ҳам, ҳушларида ҳам дунёда энг муқаддас ҳисобланган онанинг бир култум меҳрига зор-зор бўлиб яшайдилар. Улар учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. Аммо...

Ҳамма нарса кўнгилдагидек. Болаларнинг дам оладиган, дарс қиладиган хоналари саранжом-саришта. Ҳатто ўзларига музей ҳам ташкил қилиб олишган. Ундан уруш, меҳнат ветеранлари, талабалар берган эсдалик совғалар, болаларнинг ўзлари ясаган буюмлар жой олган. У ерга кирсангиз, болалар уйининг тарихи билан қисман бўлса ҳам танишиб оласиз. Хива шаҳридаги бу болалар уйи 1920 йилнинг 24 мартида очилган экан. Мана орадан етмиш йил ўтибди. Ана шу давр мобайнида бу маскан қанчадан-қанча тирик етимларни, отаси ёки онасидан ажралган қора кўзларни бағрига олмади. Қанчасини мустақил ҳаётга бошламади, дейсиз. Ҳозир бу ерда 125 бола тарбияланаётган экан.

Тўғри, Хоразмдай воҳага бу рақам нима бўлибди, дейиш мумкин. Аммо бу ерга фақат 4 ёшдан юқори болалар қабул қилинади. Кичиклар эса бошқа болалар уйида тарбияланишади.

— Гоҳида ўзимизнинг болалар уйи атрофига ҳам гўдакларни ташлаб кетиш ҳоллари учраб туради, — дейди 4-гуруҳ тарбиячиси Замира Салаева. Ҳали она сутига тўйиб қонмаган норасида гўдакларни кўриб, бемеҳр ота-оналарга нафрати ортиб кетади одамнинг. Уларни падару-волида деб аташга ҳам тил бормайди.

...Болаларнинг ўзлари билан гаплашсам бўладими ёки кўнгилларини чўктириб қўярмикинман, деб сўрайман тарбиячидан.

— Йўқ, улар бунга кўникиб қолишган. Бу ерга мухбирлар кўп келиб туришади. Болалар уйлари, етимчаларнинг тақдири ҳақида қанчалик кўп ёзиляпти. Аммо бирор бир фойдаси сезилмаётир. Қанийди, шулардан хулоса чиқариб баъзи ота-оналарнинг кўнгли бўшаса, оналик, оталик ҳисси кучайса.

Ҳа, қанийди...

Бурчакдаги партада дарс қилаётган бола ўзини таништирди. Равшанбек, фамилияси Қобилов экан.

— Отам Жиззахдан, онам шу ерлик, Хивадан. Отам ёмон эди. Онам билан уришаверар, уни калтаклайверарди. Отамни ёмон кўриб қолганман. Иккаласи ажралишгандан кейин икки опам ва мен онам билан келдик. Онамиз бизни болалар уйига берди.

— Уйингга кетишни истайсанми?

У йўламасдан «йўқ» деб жавоб қайтарди.

— Агар мен уйга борсам ёмон болаларга қўшилиб, кўчабезори бўлиб кетаман. Бу ер ўз уйимдай бўлиб қолган.

Ҳа, оила бошлиғи бўлмагандан кейин фарзанд қандай бўлсин. Ёлғиз онанинг ўзи нима ҳам қила оларди.

— Ўқишларинг қалай?

— Ёмон эмас. Ҳаммасидан «беш»га ўқийман. Келгусида мен ҳам Умида опамдай институтга кириб ўқимоқчиман.

Равшанбекнинг катта опаси ҳам шу ерда тарбияланиб, аъло баҳоларга ўқиб, ҳозир Украинада педагогика институтининг 2 курсида таҳсил олаётган экан.

Нафиса Қобилова Равшанбекнинг ўзидан катта опаси:

— Онамиз бизни бу ерга олиб келишига сабаб, у иш юзасидан командировкада кўп юради. Бизлар ўқишга кирганимиздан кейин яна ёнларига оладилар.

— Болалар уйида тарбияланган ўғил-қизларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзлар берилади. Демак, шунинг учун онангиз сизларни бу ерга ташлаб кетган экан-да?

Нафиса жим қолди.

Биз ўтирган хонага юзлари маҳзун, бир қиз кириб келди. Исми Зулфия Муҳаммадова экан. Гапирай деса нурсиз кўзларида ёш қалқийди, бўғзига нимадир тиқилиб келаверади.

Зулфиянинг отаси қариндошлари билан келишолмай уйидан чиқиб кетган экан. Ҳозир унинг қаердалигини ҳам билмайди.

— Мени олиб кетай деб ҳам йўламайдилар. Айтганларида ҳам энди бу ердан кетмайман. Қизчанинг хўрланганини кўриб юрагинг зирқирайди.

Тўғри, ширинсўз, мулойим, меҳрибон тарбиячилар бор. Замира Салаева, Леонид Каримов, йигирма беш йилдан бери ишлаб келаётган Рима Александровна Муригина каби.

Аммо, барибир ўз ота-онасидай бўлишолмайди улар. Сиз ўзингизни шу болалар ўрнига қўйиб кўринг...

— Мана, менинг 4-гуруҳга тарбиячи бўлиб ўтганимга тўрт ой бўлди. Шу пайтгача биронтасининг ота ёки онаси келиб ҳол-аҳвол сўраб келганини эслолмайман, — дейди З. Салаева. — Болалар уйларида тирик етимлар кўпайса кўпайяптики, камаймаяпти. Бунга оила ичидаги ноxушликлар, эр билан хотин ёки яқин кишилар ўртасидаги келишмовчиликлар, ичкиликка берилиш оқибатлари сабаб бўлмоқда. Арзимаган нарсалар билан ўз фарзандлари пешонасига «тирик етим» деган тамға босиб қўйсалар...

Болаликнинг беғубор, қувноқ дамларини маҳзунликда бир қучоқ армонлар билан ўтказса, бу норасидалар. Ҳаётнинг паст-баландини, ғаму-қувончини англаб етолмаган ўғил-қизларнинг қалби ўксиса, дили оғриса.

Бир томонингизда ўғлингиз, бир ёнингизда ширингина қизингиз кўзларида бахтингиз кулиб турса, ёмонми?

....Болалар билан хайрлашиб улар қошидан чиқар эканман, ана шу сўзлар хаёлимдан кечди. Кўксимда оғриқ санчиғини сездим.

Барча гўдаклар аллалар оғушида тонгни қаршиласалар, болаликнинг, ёшликнинг қайтмас онларини келажакда орзу қилгудай қилиб ўтказсалар. Ва бахтиёр болалик деб эслаб юрсалар қанийди.

Азамат САФАРОВ.
ТошДУ талабаси.

ТВ

6 ИЮЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Бурчга садоқат». 18.20 Спорт гимнастикаси бўйича Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон командалари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаларидан репортаж. 18.55. «Болалар ва китоб». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тил — маданият кўзгуси». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Истеъдод». Хонанда Турсунбой Парпиев. 21.40 «Одобнома». 21.55 «Тижорат хабарлари». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Умид». Бадиий фильм. 1-серия («Ўзбекфильм»). 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.05 Ҳужжатли фильмлар программаси. 19.05. «Ҳамқишлоқлар». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Моква. «Вақт». 21.00 «Инсон ва қонун». 21.40 «Суруди муҳаббат». Баҳодир Неъматов куйлайди. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Олов кули остида». Бадиий фильм (рус тилида).

МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 10.05 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 3-серия — «Наутилус курашни давом эттиради». 16.20 «Агар сиз...». 17.05 «Интерматрёшка-90» халқаро фестивали. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Фалсафий суҳбатлар. «Инсоний қадриятлар афзаллиги нимада». 19.15 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 19.20 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).

* * *

21.05 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 21.35 «Москва — Брюссель антикўприги». 2-қисм. 22.15 «Қалб хотираси». Телевизион фильм премьераси. СССР халқ артисти, композитор И. Лученок ҳақида. 23.35 Долзарб интервью. 23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.50 Қаттиқ ёнғоқ ҳақида эртак». Мультфильм. 9.10 Н. Лесков. «Сартарош». Ҳикояни РСФСР халқ артисти Н. Гундарева ўқийди. 9.55 Барток номли камер оркестрининг концерти. 10.25 Л. Н. Толстой. «Болалик. Ўспиринлик. Ёшлик». Телеспектакль. 3-қисм — «Ёшлик». 11.55 «Радуница» ашула-чолғу ансамблининг чиқиши. 12.15 Болалар учун фильм. «Ғарқ бўлган шаҳарни изловчилар» («Грузия-фильм»). 13.25. Қалбида кузли қизиқчи». Л. Енгибаров. 14.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 8- фильм. 2 серия. 15.20 Молдавия ССР «Ленинский путь» жамоа хўжалигида хўжалик юритишнинг янги шаклларини изланиш ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Кишинёв).

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. (сурдо таржимаси билан). 18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Петянинг саргузаштлари». 19.45 РСФСР халқларининг мусиқий фольклори. 20.30 «Табиат ёрдам сўрайди». 21.00 Спорт ҳамма учун. 21.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.30 «Ўша эркак, ўша аёл». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Свердловск киностудияси). Премьера.

АРГЕНТИНА ФИНАЛДА

Жаҳон чемпионати ҳам охирлаб қолди. Ярим финалчилар Аргентина, Италия, ГФЖ, Англия терма командалари орасидан қайси бири чемпион бўлишини ҳар қандай зукко футбол мухлиси ҳам айтиб бериши қийин эди. Шундай бўляпти ҳам. Чунки ўтган куни Аргентина — Италия командалари ўртасидаги учрашув буни аниқ исботлади. Италияликлар тўрттала бўлимда ҳам устунликка эришган бўлишсада, лекин омад Аргентина командасига кулиб боқди. Ўйин пенальтилар ҳисобидан чемпионлар фойдасига ҳал бўлди. Футбол барибир футболда. Шу ўринда Аргентина терма командасининг дарвозабони Сержио Гойкоэчеа маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. У ўз командасини муболағасиз айтиш мумкинки, финалга олиб чиқди. Ярим финалга чиқиш учун Югославия командаси билан бўлган учрашувда у пенальтидан тепилган 2 та тўпни қайтариб қолган эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Агар у маҳорат кўрсатмаганида ўйин натижаси қандай тугашини ким биларди дейсиз?

Шундай қилиб, жаҳон чемпионлари ўз унвонларини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлиб турибдилар. Кеча Англия — ГФЖ учрашувида иккинчи финалчи аниқланди.

Ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

Иттифоқимиз комсомол ташкилоти ва Афғонистон Демократик ёшлар ташкилоти ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда.

Чунончи, Афғонистон Демократик ёшлар ташкилотига мансуб ёшларнинг ўттиз кишидан иборат навбатдаги икки гуруҳи уч ой давомида гўзал шаҳримизнинг малака ошириш институтида таҳсил олди. Бу ерда улар марксизм ва ленинизм асослари, КПСС тарихи, жаҳондаги инқилобий жараён, комсомолимиз тарихи, рус, тили, Совет Иттифоқи кашшофлар ташкилотининг тажрибалари каби фанларни қизиқиш билан ўргандилар.

Шунингдек, афғон ёшлари Москва ва Ашхобод шаҳарларида бир ҳафталик ўқув практикасини ўтказишди. Москва шаҳрида бўлган афғонларнинг «кашшоф» гуруҳи Ватанимиз пойтахти кашшофлар ташкилотининг ҳаёти билан, СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Қизил майдондаги Ленин мавзолейи билан танишдилар. Ашхобод шаҳрида меҳмон бўлган ёшлар нафақат Туркманистон комсомол-ёшларининг фаолияти билан, балки уларнинг маданияти, урф-одатлари ва турмуш шароити билан ҳам танишдилар.

Ўқув практикасини якунлагач, ҳар бир ўқувчи билан уч ойлик ўқув жараёнидаги касб этилган илмий ва амалий машғулотлар борасида суҳбат ўтказилди. Суҳбатдан муваффақиятли ўтган барча афғон дўстларимиз кадрлар ва фаоллар малака ошириш институтининг гувоҳномаси билан тақдирландилар ва ўз ватанларига қайтиб кетдилар.

Асрор ҚУДРАТОВ,
Ўзбекистон ЛКЕЙ МҚ қошидаги малака ошириш институти ходими.

Боғлар орасида
дов-дарахтларга бурканган
чойхонада
бир пиёла чой ичиш
айниқса, саратонда
танга ҳузур бағишлайди.
Ана шундай оромижон
чойхона
Наманган вилояти
Косонсой ноҳиясидаги
Булоқ қишлоғида
ташкил қилинди.
Бешта ошпаз
мижозларга хизмат
кўрсатмоқда.
Улар тайёрлаётган лағмон,
кабоб ва паловлар
хўрандаларга жуда манзур
бўлаётир.
Шунинг учун бу чойхонага
қишлоқдагилар ўз
оилалари
билан келиб,
тансиқ таомларни
тановвул қилиб,
дам олиб кетишмоқда.

СУРАТДА:
ошпаз Саврихон Усмонова
Тўлқиновлар оиласига
хизмат кўрсатаётган пайт.

А. КОВТУН сурати.
(ЎзТАГ).



Гастроллар алмашилди

С. Айний номли Бухоро театри Сурхондарёда ўз гастролларини бошлади. У томошабинларга С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» пьесаси асосида саҳналаштирилган асарни ва катта концерт программасини кўрсатади. Айни вақтда жамоанинг икки гуруҳи ҳам томошабинларга хизмат қилади. Уларнинг бири тоғли Бойсун, бошқаси эса Термиз ноҳияси аҳолиси олдида ўз санъатини намойиш этади.

Худди шу кунлари бухоролик томошабинлар сурхондарёликларнинг драматик санъати билан танишадилар. М. Уйғур номли театр кўҳна шаҳарга бир неча спектакль, шу жумладан, томошабинлар орасида, айниқса, машҳур бўлиб кетган И. Отақуловнинг «Хумор кўзлар» пьесасини олиб келди.

(ЎзТАГ).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ТАРИХ КЎЗГУСИ

Мен мамлакатимиз ва хорижнинг кўп шаҳарларида бўлганман. Сайёҳларнинг дунёқараши турлича. Айримлари шаҳарларга баҳо берганда ундаги универмаг ва бошқа савдо шахобчалари, ресторанлар, бозорларнинг аҳволига қараб хулоса чиқаришади. Лекин кўпчилик шаҳар ҳақида биринчи галда архитектура қиёфаси, ундаги музейлар ва Улуғбек расадхонасига ўхшаган ўзига хос ёдгорликларга қараб фикр юритадилар. Демак, музейлар ҳақида гап борар экан, ундаги муаммолар фақат жумҳуриятимиз миқёсидагина эмас, балки сайёҳлар туфайли халқаро аҳамиятга ҳам эга эканлигини унутмаслигимиз керак.

Мен ТошДУ журналистика куллиётининг талабаси Д. Набихўжаеванинг «Музейлар нега бўм-бўш» («Ёш ленинчи» 1990 йил 12 январь) сарлавҳали мақоласини қизиқиш билан ўқидим. Музейлар шаҳар маданияти ва тарихининг кўзгуси деган хулосада янглишмаганимга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Шаҳримизда кўпчилик диққатига сазовор бўлаётган музейлар кам эмас. Шу хилдаги Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини ҳар ойда минглаб сайёҳлар келиб кўрмоқда. Икки йил олдин нашр қилинган Тошкент музейлари ҳақидаги китобда шаҳримизда (ёзувчиларнинг уй музейларини қўшганда) бу тахлит бинолар 40 га яқинлиги, уларнинг экспонатлари ҳақида қисқача маълумот берилган эди. Агар бу музейлар муттасил ишлаганда уларни айланиб чиқиш учун бир ҳафта камлик қиларди, албатта.

Мана бу ерда муаллифнинг Ўзбекистон халқлари, табиат ва бошқа музейлар ҳақидаги фикрларига қўшиламан. Бошқа музейларнинг бўм-бўш бўлишига, фикримча, экспонатларнинг камлиги, эскирганлиги, улар орасида замонамизнинг долзарб муаммоларига қаратилганларининг камлиги сабабдир. Бунда Октябрь ноҳия табиат музейидаги экология муаммоларига бағишланган экспонатлар йўқлиги жуда тўғри танқид қилинган.

Шаҳримизда Соғлиқни сақлаш музейи бор деб эшитганман. Ҳатто унинг жойлашган кўчасидан ўтганман, лекин ёпиқ бўлгани учун таниша олмадим. Ҳолбуки, грипп, болалар касалликлари авж олган айни пайтда бу музейнинг нима билан шуғулланаётгани бизга номаълум. Ҳамшаҳарларимизнинг кўплари бундай музей борлигини билмайдилар ҳам.

Москвадаги кўп музейларда вақти-вақти билан турли долзарб мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Бундан 3—4 йил олдин шаҳримиздаги санъат музейида машҳур рассомлар ҳақида лекциялар тинглардик. Кейинги йилларда эса негадир ушбу анъаналарга ҳам чек қўйилди.

Музейлар ишини яхшилашнинг муҳим воситаларидан бири корхона ва ташкилот, институт, билим юрти, ўрта мактаблар билан доимий шартнома тузиш ва келиб-кетувчиларни белгиланган вақтда қабул қилишдир.

Бундан ташқари музейлар ҳақида ойнаи жаҳон орқали кўрсатувлар олиб борилмаяпти. Шаҳримизда нон ва озиқ-овқат музейи ташкил қилиш ҳақида матбуотда кўпгина фикрлар баён қилинди. Уни Октябрь ноҳиясидаги табиат музейининг бир қисми ёки ҳозирда қурилиш ишлари тугалланаётган Чорсу бозорининг икки-уч хонаси ҳисобига жойлаштирилса, бўлади.

Ҳар томонлама кенг билимли мутахассисларни тайёрлашда китобнинг аҳамияти, унга қизиқиш уйғотишни ёшликдан бошлаш муҳимлиги ҳаммамизга аён. Тожикистоннинг Ўратепа шаҳрида ташкил этилган китоб музейи ёшлар билан гавжум бўлишини бир неча бор кўрганман. Биздаги адабиёт музейига эса одам кам келади. Демак, унда кўргазма йўсинида «Китоб музейи» ташкил қилинса яхши бўларди. Фақатгина китоб тарихи эмас, балки олимлар, ёзувчилар, мутахассисларнинг китобга муносабатларини экспонатлар билан акс эттиришга жиддий эътибор бериш лозим. «Марксизм-ленинизм классиклари ва китоб» ҳамда шунга ўхшаш бўлимлар очиб мутолаа сирлари борасида йўл-йўриқлар кўрсатилса, шундагина ўқувчиларга катта ёрдам берган бўлардик.

Мамлакатимиз ва жумҳуриятимизнинг ҳар томонлама ривожланишида техника тараққиётининг роли, айниқса муҳимдир. Айни чоғда юзлаб корхоналарда техниканинг кўпчилик соҳалари билан боғланган муҳандис, техник ходимлар, ишчилар ва бошқа мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Пойтахтимизда мавжуд техника уйи билан чегараланиб қолиш эса етарлича самара бермайди. Шу муносабат билан яқин келажакда политехника музейини ҳам ташкил қилиш масаласини муҳокама этиш мақсадга мувофиқдир.

Бўлажак журналист Д. Набихўжаеванинг мақоласида баён қилинган фикрлар ва юқорида келтирилган таклифларни амалга ошуви учун чора-тадбирлар кўриш вақти келди деб ўйлайман.

Ҳикмат СОБИРОВ,
профессор.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. — 10124. Д. — 23495.